

**Кредитнинг тўлиқ
қиймати - 38.02%
(ЎТТИЗ САККИЗ БҲТҮН
ЮЗДАН ИККИ ФОИЗ)**

**"UY TA'MIRLASH KREDITI" кредит махсулоти бўйича кредит ажратиш тўғрисида
/ /ИК-сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ**

Тошкент шаҳар

25 май 2026 йил

“Давр банк” ХАТБ _____ филиали/БХМи (кейинги ўринларда - Банк) Низом ҳамда _____.20__ йилдаги _____-сонли ишончнома асосида иш юритувчи бошқарувчи _____, бир томондан ва _____ вилояти, _____ тумани, _____ уй _____-хонадонда яшовчи, _____ томонидан _____.20__ да берилган паспорт/ID карта серияси ва рақами _____, ЖШШИР _____ бўлган жисмоний шахс _____ (кейинги ўринларда - Қарз олувчи) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

“Давр банк” ХАТБ бошқаруви томонидан **2026 йил 25 майда** тасдиқланган жисмоний шахсларга Уй-жой таъмирлаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги "UY TA'MIRLASH KREDITI" паспортига асосан, Банк Қарз олувчига _____ шаҳар, _____ тумани, _____ кучаси, _____ уй, _____-хонадон манзилидаги жойлашган умумий фойдаланиш майдони _____ кв.м яшаш хоналари сони _____ та, кадастр рақами: _____ булган турар жойни таъмирлаш учун _____ (_____ миллион) сўм миқдориди, **84 (саксон турт)** ой муддатга, кредит асосий қарзига йиллик **27 (йигирма етти)** фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан ипотека кредит маблағи ажратади, “Қарз олувчи” эса кредитдан фойдаланишнинг умумий қоидаларига (мақсадлилиги, таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтарилувчанлиги ва тўланувчанлигига) риоя этган ҳолда кредитдан фойдаланади ва фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

1. КРЕДИТ АЖРАТИШ ШАРТЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МАҚСАДЛАРИ

- Кредит Қарз олувчига Банкнинг _____ филиал/БХМида Банк ходими иштирокида ажратилади.
- Банк томонидан кредит мазкур кредит шартнома томонлар ўртасида имзоланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш кунидан кечиктирмасдан ажратилади. Банк кредит маблағларини бериш мажбуриятини ўз вақтида бажармаган ҳар бир кун учун *асосий қарзга нисбатан кунлик 0,27% (ноль бутун юздан йигирма етти фоиз)дан йиллик асосий қарзга нисбатан 50 % (эллик фоиз)дан оширмаган миқдорда, Қарз олувчи талабига кўра, пеня тўлайди.* Қарз олувчининг айбли ҳаракатлари оқибатида ўз вақтида кредит маблағлари ажратилмаслиги бундан мустасно.
- Кредитлашнинг асосий тамойиллари: *мақсадлилик, таъминланганлик, муддатлилик, қайтаришлилик ва тўловлилики*ни таъминлаш.
- Қарз олувчи Банк томонидан мазкур Шартноманинг шартларига, Қарз олувчининг талаблари ва сўровларига мувофиқ кредитнинг ҳисобига амалга оширилган исталган тўловлар (ўтказмалар)ни сўзсиз равишда ўз қарзи деб тан олади.
- Банкнинг Қарз олувчи ҳисоб рақамларидан кўчирмалари, яққол хатолар бўлмаганда, Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича тўлов мажбуриятлари юзага келиши ёки бажарилишининг якуний тасдиғи бўлади.

2. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ ВА ФОИЗЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

- Кредит бўйича фоизлар ҳар банк иш кунининг якунига қадар йилига 365 кун ва ҳар ойнинг мавжуд бўлган кунлар сони бўйича нолю қолдиқ вужудга келгунига қадар ҳисобланади. Қарз олувчи кредит бўйича тўловларни тўлов жадвалида белгиланган муддатдан кечиктирганда, *муддатини ўтказиб юборишнинг биринчи кунидан бошлаб – муддати ўтган асосий қарзга нисбатан йиллик 100% (бир юз фоиз)дан оширилган фоизлар ҳисоблаб борилади.* Лекин бу миқдор фоизлар, комиссия ва неустойка (жарима, пеня)ларни қўшиб ҳисоблаганда шартнома бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорини ташкил этмаслиги керак.
- Агар асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар иловада келтирилган тўлов жадвалида кўрсатилган муддатларда тўланмаса, Банк Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган барча пластик карталари ва ҳисоб рақамларидан қарзни Қарз олувчининг розилигисиз ундириш ҳуқуқига ега.
- Кредит бўйича асосий қарзни, у бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни қайтариш Қарз олувчининг

барча ҳисоб рақамларидан амалга оширилади. Кредит бўйича тўловлар ойма-ой аннуитет шаклида иловада келтирилган тўлов жадвали асосида амалга оширилади.

2.4. Шартнома бўйича ҳар қандай тўловлар қуйидаги кетма-кетликга мувофиқ йўналтирилади:

- а) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- б) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- в) неустойка (жарима, пеня);
- г) Банкнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

3.5. Қарз олувчи шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини бажариши учун, Банкда, шунингдек бошқа банкларда очилган ҳар қандай валютадаги маблағларини унинг розилиги ёки фармойишисиз ҳисобдан чиқариш имконини берувчи, амалда бўлган, қайтарилмайдиган ва ҳеч қандай шартларсиз ҳуқуқни Банкка тақдим этади.

3.6. Қарз олувчи ҳар ойнинг 2 (иккинчи) санасида, агарда тўлов санаси байрам ва дам олиш кунларига тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш кунида, тўлов жадвалига асосан асосий қарз ва кредитни ишлатганлиги учун ҳисобланган фоиз қарздорлигини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.7. Банк қўшимча харажатларга олиб келувчи исталган Қарз олувчининг талабларини, Қарз олувчи Банкнинг ихтиёрига шундай харажатларни тўлаш учун етарли бўлган маблағни бермагунча бажармаслиги мумкинлигига Қарз олувчи ўз розилигини билдиради.

3.8. Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан барча тўловлар Қарз олувчи томонидан кредит валютасида ёки тўловлар амалга ошириладиган кундаги Банк курси бўйича хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

3.9. Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган тўловлари дарҳол тўланиши лозим. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда, Банк Қарз олувчининг ҳисобварағларидан ва банк пластик карталаридан керакли суммани қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олишга ҳақлидир.

3. АСОСИЙ ҚАРЗ ВА УНГА ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

4.1. Қарз олувчи кредит бўйича бир ёки ундан ортиқ тўловни муддатидан илгари, мазкур шартнома билан белгиланган тўловларнинг исталган санасида жарималарсиз қуйидаги шартлар асосида амалга ошириши мумкин:

а) Қарз олувчи мазкур Шартнома доирасида исталган тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликка эга эмас ва Банкнинг олдида бошқа бажарилмаган мажбуриятларига эга эмас.

4.2. Қарз олувчидан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда Банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини Қарз олувчининг мурожаатига асосан кредитининг асосий қарзини сўндиришга йўналтиради.

4.3. Қарз олувчи асосий қарзни муддатидан илгари қайтарган тақдирда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилади ва унғача мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

5. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ

5.1. _____ шаҳар, _____ тумани, _____ кучаси, _____ уй, __-хонадон манзилидаги жойлашган умумий фойдаланиш майдони __, __ кв.м яшаш хоналари сони __ та, кадастр рақами: _____ булган турар жойни кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этади.

5.2. Қарз олувчи кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этилган кўчмас мулкни бут сақланишини таъминлаш мақсадида кредит муддатининг бутун даврига мутаносиб тарзда суғурта компанияси орқали суғурталаш мажбуриятини олади.

5.3. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.4. Қарз олувчининг вафоти, қарзни (асосий қарз, фоиз, пеня ва жарималар) қайтариш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари)га ўтиши учун сабаб бўлади. Бунда Банк, Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодексининг 1113-моддаси биринчи қисми ва 1156-моддасига кўра, Қарз олувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга Қарз олувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақли. Меросни бошқарувчи ва/ёки меросхўр(лар), Банк томонидан уларга қўйилган талаблар мазкур шартномада ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда Банк судга мурожаат қилишга ҳақли.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Банкнинг мажбуриятлари:

- 6.1.1. Ажратилган ссуда ҳисобини юритиш учун, кредит шартномаси имзоланган кундан бошлаб Қарз олувчига алоҳида ссуда ва бошқа зарур ҳисоб рақамларини очиш;
- 6.1.2. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар ва миқдорда кредит ажратиш;
- 6.1.3. Қарз олувчининг кредит ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича вужудга келган муддати ўтган қарздорлик тўғрисида смс хабарнома орқали шунингдек, ёзма ва/ёки оғзаки тартибда хабардор этиш;

6.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

- 6.2.1. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни белгиланган муддатда ва миқдорда тўлаш, зарур ҳолларда, нақд пул маблағларини Банк кассасига топшириш йўли билан тўловларни амалга ошириш;
- 6.2.2. Банк томонидан мазкур шартнома ва қонунчилик доирасида талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш;
- 6.2.3. Ажратилган кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинган кредитни қайтариш жадвалига асосан қайтариш;
- 6.2.4. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақида банкни ўз вақтида хабардор этиш;
- 6.2.5. Қарз олувчи ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи барча ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек молиявий ҳолати, фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтган жойи, яшаш манзили, иш жойи, реквизитлари ҳамда бошқа маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида банкка зудлик билан ёзма маълумот тақдим этиш. Ўзига нисбатан мулкӣ ва (ёки) моддий даъволар билдирилган тақдирда бу ҳақда банкни зудлик билан хабардор этиш;
- 6.2.6. Шартнома бекор қилинган тақдирда, кредитдан фойдаланган муддат учун ҳисобланган асосий қарз ва фоизларни ҳамда ҳисобланган пеняларни (агар вужудга келган бўлса) тўлиқ ёпиш;
- 6.2.7. Шартномани тузиш юзасидан банк талаб қилган ва қонунчиликда тақдим этилиши назарда тутилган ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- 6.2.8. Талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини олган вақтдан 10 иш куни давомида қарздорликни тўлаши.
- 6.2.9. Ушбу шартномани имзолаш билан қуйидагиларни тасдиқлайди:
 - а) кредит тўлови муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида СМС хабар жўнатилиши ва телефон орқали қўнғироқлар амалга оширилишига қарши эмас;
 - б) Кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Кредит ахборотининг давлат реестри ва кредит бюросига тақдим этилишига/олинишига ўз розилигини беради, бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.
 - в) Шартнома тузиш ва унинг шартларини бажаришга лаёқатлилигини;
- 6.2.10. Ушбу шартномани тузиш билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилмаслигини;
- 6.2.11. Банкка тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва маълумотлар қонун нормалари бузилмаган ҳолда олинганлигини;
- 6.2.12. Қарз олувчи ўз қарзи юзасидан бутун мол-мулклари билан жавоб беради;

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

- 7.1.1. Кредитлаш жараёни давомида (кредит олишга лаёқатлилиги, таъминоти юзасидан ва бошқа кредитни қайтарилиш масалалари юзасидан) кредитни текширув мониторингини амалга ошириш;
- 7.1.2. Мазкур шартнома бўйича Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кредит ажратишни рад этиш;
- 7.1.3. Қуйидаги ҳолатларда Қарз олувчидан кредит ва унга ҳисобланган фоизларни, қонунчиликда белгиланган тартибда, муддатидан олдин қайтариш, кредит бўйича барча қарздорликларни бартараф этиш ҳақида талаб қўйиши мумкин:
 - кредит бўйича ҳисобланган асосий қарз ва (ёки) фоизларнинг тўлов муддати бузилиши;
 - қарз олувчи томонидан шартнома шартларини ўз муддатида бажарилишига таҳдид солувчи асос ва бошқа ҳодисалар содир бўлиб, шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.
- 7.1.4. Қарз олувчининг махсус карта ҳисобварағи ва бошқа ҳисобварағлари бўйича амалиётларни назорат ва мониторингини амалга ошириш (шунингдек, ҳисобидаги қирим-чиқим пул айланмалари ҳолати);
- 7.1.5. Кредитга ариза бериш давомида Қарз олувчи тақдим этган барча банк карталарини ва кейинчалик банкка маълум бўлган Банк тармоқларида ва бошқа тижорат банкларида очилган қарз олувчининг шахсий карталарини авто тўлов хизматида боғлаш ва муддати ўтган қарздорлик вужудга келган тақдирда мазкур карталардан қарздорликни акцептсиз ундириш;

7.1.6. Кредит ажратиш жараёнида техник носозликлар сабабли Қарз олувчига ортиқча кредит маблағлари ажратилиши оқибатида юзага келган қарздорликни ундириш бўйича зарурий чораларни кўриш;

7.1.7. Кредит бўйича барча қарздорликлар қайтарилишида ўзининг ҳуқуқ ва манфаати ҳимояси учун етарли ва зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур шартномадаги қайтаришнинг барча чораларни кўриш;

7.1.8. Кредитнинг асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз муддатида тўланмаган тақдирда, ундирувни, қонунчиликда белгиланган тартибда, Қарз олувчининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, банк пластик картаси ҳамда бошқа ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш орқали ундириш;

7.1.9. Кредитнинг асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз муддатида тўланмаган тақдирда банк Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуни 76-80-моддалари тартибида ижро хатларини олиш ва улар орқали қарздорликни ундириш ҳуқуқидан фойдаланиш;

7.1.10. Шартнома бекор қилинган тақдирда, Қарз олувчидан кредитдан фойдаланган муддати учун ҳисобланган асосий қарз ва фоизларни ҳамда ҳисобланган пеняларни (агар вужудга келган бўлса) тўлиқ ёпишни талаб қилиш;

7.1.11. Мазкур шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқларидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313-323 моддаларига мувофиқ бошқа шахс фойдасига воз кечиши мумкин.

7.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

7.2.1. Кредит маблағлари ажратилгунига қадар, кредит олишдан бепул асосда воз кечиш;

7.2.2. Кредит тўловларини жарималарсиз муддатидан олдин амалга ошириш;

7.2.3. Банкдан шартнома бўйича банк мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

7.2.4. Банкдан кредит қолдиғи ва кредит бўйича бошқа масалалар юзасидан маълумотлар олиш;

7.2.5. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички қоидаларидаги ўзгаришлар ҳақида банкдан маълумот олиш;

7.2.6. Кредит қарздорлигини муддатидан олдин тўлиқ қайтарган ҳолда, кредит шартномасини тарафлар келишувига кўра бекор қилиш;

7.2.7. Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

7.3. Қарз олувчи банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўзининг кредит олиш ҳуқуқини бериши (сотиши), ушбу шартномадаги мажбуриятларини ўтказишга ҳақли эмас.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Тарафлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома шартлари юзасидан тарафлар уртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар узаро музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф 10 (ўн) кун ичида жавоб бериши лозим. Талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

9.3. Низони судгача ҳал қилиш юзасидан топширилган (юборилган) талабномада ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган талаблар белгиланган муддатда лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган тараф Банк жойлашган ҳудуддаги судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ

10.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга кириди ва тарафлар ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёзма тартибда тарафларнинг розилиги билан амалга оширилади.

10.3. Тарафлар томонидан имзоланган ва Банк томонидан муҳр босилган, ёзма равишда тузилган мазкур шартномага қўшимчалар юридик кучга эгадир.

10.4. Ушбу шартномада кўрсатилган манзил бўйича юборилган талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати Қарз олувчига почта орқали юборилганида қарздорнинг почта манзили ўзгарган бўлса ёки талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини қабул қилмаса, талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати топширилган саналади.

10.5. Қарздорликни ундириш юзасидан келиб чиқган низоларни судда ҳал этиш ҳаражатлари (давлат божи, почта ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар) ва қарздорликни ундириш бўйича қилинган бошқа ҳаражатлар Қарз олувчидан ундирилади (Қарз олувчи томонидан қопланади).

10.6. Мазкур шартноманинг бир ёки бир нечта шarti қонунга ёки суд қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотса, шартноманинг бошқа шартлари бекор бўлишига асос бўлмайди.

10.7. Ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.

10.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган уч нусхада тузилди. Томонларга ва нотариал идорага бир нусхада тақдим этилади.

10.9. Мазкур шартнома ва бошқа масалалар юзасидан Қарз олувчи 1284 қисқа рақамлари орқали Банк билан боғланиши мумкин.

11.ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАР

БАНК:	ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
“Давр-банк” ХАТБ _____ филиали Манзили: _____ уй Вакиллик . рақами - _____, МФО - _____, СТИР - _____	Фуқаро: _____ Манзил: _____ уй _____-хонадон Паспорт маълумоти: _____, _____ томонидан _____ .20 _____ да берилган
<div style="border: 1px dashed red; width: 40px; height: 20px; display: inline-block; margin-bottom: 5px;"></div> QR код Бошқарувчи: _____ Хуқуқшунос: _____	_____

Тўлов жадвали

№	Сана	Кредит қолдиғи миқдори	Асосий қарз сўндириш миқдори	Ҳисобланган фоизлар миқдори	Умумий сўндириладиган қарз миқдори
1	03.02.2025	50 000 000.00	7 697 591.86	1 583 333.33	9 280 925.20
2	03.03.2025	42 302 408.14	7 941 348.94	1 339 576.26	9 280 925.20
3	02.04.2025	34 361 059.20	8 192 824.99	1 088 100.21	9 280 925.20
4	02.05.2025	26 168 234.21	8 452 264.45	828 660.75	9 280 925.20
5	02.06.2025	17 715 969.76	8 719 919.49	561 005.71	9 280 925.20
6	02.07.2025	8 996 050.27	8 996 050.27	284 874.93	9 280 925.20
ЖАМИ			50 000 000.00	5 685 551.18	55 685 551.18

ОБРАЗЕЦ